

# МУГАЛЛИМ ҲАМ ЎЗЛИКСИЗ БИЛИМЛЕНДИРИҶ



ISSN 2181-7138

№ 1 / I 2021 жыл

## Илимий-методикалық журнал

**Редактор:**

**А. Тилегенов**

**Редколлегия аъзалары:**

Мақсет АЙЫМБЕТОВ  
Нағмет АЙЫМБЕТОВ  
Кеңесбай АЛЛАМБЕРГЕНОВ  
Дилшодхўжа АЙТБАЕВ  
Өсербай ӨЛЕЎОВ  
Асқар ДЖУМАШЕВ  
Кеңесбай ДАУЛЕТЯРОВ  
Гулнара ЖУМАШЕВА  
Батырбек КАИПБЕРГЕНОВ  
Амангелди КАМАЛОВ  
Сарсен КАЗАХБАЕВ  
Гулмира КАРЛЫБАЕВА  
Сабит НУРЖАНОВ  
Уролбой МИРСАНОВ  
Арзы ПАЗЫЛОВ  
Зухра СЕИТОВА  
Айдын СУЛТАНОВА  
Тажибай УТЕБАЕВ  
Ризамат ШОДИЕВ  
Ойбахор ШАМИЕВА  
Бекзод ХОДЖАЕВ  
Дўстназар ХИММАТАЛИЕВ  
Гулрухсор ЭРТАШЕВА

**Шўлкемлестириўшилер:**

**Қарақалпақстан Республикасы  
Халық билимлендириў  
Министрлиги, ӨЗПИИИ  
Қарақалпақстан филиалы**

**Ўзбекстан Республикасы  
Министрлер Кабинети  
жанындағы Жоқарғы  
Аттестация Комиссиясы  
Президиумының 25.10.2007  
жыл (№138) қарары менен  
дизимге алынды**

**Қарақалпақстан Баспа сөз ҳәм  
хабар агентлиги тәрәпинен  
2007-жылы 14-февральдан дизимге  
алынды №01-044-санлы гуўалық  
берилген.**

**Мәнзил: Нөкис қаласы,  
Ерназар Алакөз көшеси №54  
Тел.: 224-23-00  
e-mail: [uzniipnkkf@umail.uz](mailto:uzniipnkkf@umail.uz),  
[mugallim-pednauk@umail.uz](mailto:mugallim-pednauk@umail.uz)  
[www.mugallim-uzliksiz-bilim.uz](http://www.mugallim-uzliksiz-bilim.uz)**

Журналға келген мақалаларға жуўап қайтарылмайды, журналда жарияланған мақалалардан алынған үзиндилер «Мугаллим ҳәм ўзликсиз билимлендириў» журналынан алынды, деп көрсетилиўи шәрт. Журналға 5-6 бет көлеминдеги материаллар еки интервалда TIMES NEW ROMAN шрифтинде электрон версиясы менен бирге қабыл етиледи. Мақалада келтирилген мағлұматларға автор жуўапкер.

# МАЗМУНЫ

## БАСЛАЎҲИ КЛАСС, МЕКТЕПКЕ ШЕКЕМГИ ТӘРБИЯ

|                                                                                                                                                                  |    |
|------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|----|
| <b>Mardonov Sh.Q., Abdullayev A.A.</b> Maktabgacha ta'lim muassasasi va maktab hamkorligi .....                                                                  | 4  |
| <b>Mahmudova D.B.</b> Maktabgacha ta'limda qo'llaniladigan o'yinlar va ularni tashkil etish metodikasi .....                                                     | 8  |
| <b>Shanasirova Z.Yu.</b> Xalq og'zaki ijodi namunalari vositasida maktabgacha yoshdagi bolalarni ma'naviy-axloqiy tarbiyalash hamda nutqini rivojlantirish ..... | 13 |
| <b>Abdullayeva M.Dj.</b> Maktabgacha ta'lim yoshidagi bolalarning estetik rivojlanishidagi o'ziga xos xususiyatlar .....                                         | 17 |
| <b>Narimbayeva L.K.</b> Maktabgacha yoshdagi bolalarni ma'naviy-axloqiy tarbiyalashda xalq og'zaki ijodi namunalaridan foydalanishning ahamiyati .....           | 20 |
| <b>Nosirova R.X.</b> Maktabgacha ta'lim muassasalarida musiqa ta'limi va tarbiyasining mohiyati ..                                                               | 22 |
| <b>Xolmatova S.K.</b> Maktabgacha ta'lim muassasalarida iqtisodiy tarbiya berishda Sharq mutafakkirlari fikrlaridan foydalanish ahamiyati .....                  | 26 |
| <b>Maripova N.H.</b> Maktabgacha ta'lim muassasalarida iqtisodiy tarbiya .....                                                                                   | 28 |
| <b>Sanakulova A.R.</b> Maktabgacha ta'lim muassasalari rahbarlarida huquqiy tarbiyani rivojlantirish .....                                                       | 31 |
| <b>Teshabayeva Z.S.</b> Maktabgacha ta'lim muassasalarida ekologik tarbiya maqsadi .....                                                                         | 34 |
| <b>Nasirova Z.X.</b> O'yin turlari: ijodiy o'yinlar, qoidali o'yinlar, milliy o'yinlarning o'ziga xos xususiyatlari .....                                        | 38 |
| <b>Shanasirova Z.Yu.</b> Maktabgacha yoshdagi bolalarni maktab ta'limiga tayyorlashning ahamiyati .....                                                          | 43 |
| <b>Jo'raboyev A.B.</b> Maktabgacha ta'lim tizimida ma'naviy qadriyatlarini singdirish amaliyoti .....                                                            | 48 |
| <b>Abdullayev A.A.</b> Maktabgacha ta'lim muassasalarida rahbarlik qilish va tashkil etishning zamonaviy usullari .....                                          | 51 |
| <b>Achilova M.S.</b> Maktabgacha ta'lim muassasalarida estetik tarbiyaning mazmuni .....                                                                         | 55 |
| <b>Ochilov F.I., Xusanova N.B.</b> Bo'lajak boshlang'ich sinf o'qituvchilarida kasbiy pedagogik kompetentsiyalarni shakllantirish talablari .....                | 58 |
| <b>Narimbetova Z.A., Asqarova N.J.</b> Boshlang'ich sinf matematika darslarida didaktik o'yinlarning ahamiyati .....                                             | 62 |
| <b>G'ulomova X.</b> Boshlang'ich sinf o'qish darslarida maqollar estetikasi .....                                                                                | 67 |
| <b>Умарова З.А.</b> Бошланғич таълимда педагогик жараён .....                                                                                                    | 70 |
| <b>Жабборова О.М., Сайидганиева З.С.</b> Бошланғич таълим педагогикаси: мазмун ва моҳият .....                                                                   | 74 |
| <b>Quzmanova G.B., Ergasheva M.E.</b> Umumiy o'rta ta'lim maktablarida ota-onalar yig'ilishini samarali tashkil etish .....                                      | 78 |
| <b>Мамадалиев К.Р.</b> Бошланғич таълим йўналиши ўқув фанлари тузилмаси ва замонавий ўқув адабиётларини яратиш принциплари .....                                 | 80 |
| <b>Тожибоева Г.Р., Крымская Э.</b> Проблемы развития творческих способностей в процессе становления будущего учителя начальных классов .....                     | 86 |

## ТИЛ ҲАМ ӘДЭБИЯТ

|                                                                                                                          |    |
|--------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|----|
| <b>Матчинов С., Холикулова Ф.</b> Ўқувчиларнинг нутқий кўникмаларини шакллантиришда матнинг лингводидактик таҳлили ..... | 91 |
| <b>Шерматова У.С., Жабборова О.М.</b> Самостоятельное чтение и интерпретация правды жизни .....                          | 95 |



## ТИЛ ҲАМ АДЕБИЯТ

### ЎҚУВЧИЛАРНИНГ НУТҚИЙ КЎНИКМАЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА МАТННИНГ ЛИНГВОДИДАКТИК ТАҲЛИЛИ

**Матчонов С.**

*п.ф.д., Тошкент вилояти ЧДПИ Бошлангич таълим кафедраси профессори*

**Холиқулова Ф.**

*Навоий ДПИ Бошлангич таълим кафедраси ўқитувчиси*

**Таянч сўзлар:** лингводидактик таҳлил, нутқий кўникма-малакалар, матн, мантикий фикрлаш, мустақил фикрлаш, имловий саводхонлик, ёзма боғланишли нутқ, ижодий ёзма иш, такрорлар, анафора, эллипсия, эпифора, инверсия, антитеза, градация.

**Ключевые слова:** лингводидактический анализ, разговорные навыки, текст, логическое мышление, независимое мышление, орфографическая грамотность, письменная связная речь, творческое письмо, повторение, анафора, эллипс, эпифора, инверсия, антитезис, градация.

**Key words:** linguodidactic analysis, speaking skills, text, logical thinking, independent thinking, spelling literacy, written coherent speech, creative writing, repetition, anaphora, ellipse, epiphora, inversion, antithesis, gradation.

Умумий ўрта таълим тизимида ўқувчиларнинг имловий саводхонлигини мустаҳкамлаш, боғланишли нутқий кўникма-малакаларини матн синтаксиси даражасида шакллантириш ва ривожлантириш истиқлол даври она тили таълимида кўплаб баҳс-мунозараларга сабаб бўлди. “Шу кунга қадар, - деб ёзади тилшунос педагоглардан Р.А. Йўлдошев ва М.М. Рихсиевалар, - она тили таълими мазмуни ва методлари давлат таълим стандартлари ва ўқув дастурларига таянган ҳолда дарсларни ташкил этиш эҳтиёжларини назарда тутиб белгиланган бўлса, бугун тил таълими ва усуллари она тилини ўрганаётган ўқувчилар учун хизмат қиладиган қилиб (инсонпарварлик тамойилига биноан) ишлаб чиқилиши кераклиги тобора кўпроқ аён бўла бошлади. Бунинг учун эса ўқув мажмуалари муаллифлари истаги билан эмас, балки ўқувчиларнинг ... матнни шакллантириш жараёнида нималарни билган ҳолда иш бошлашлари ва тугаллашлари кераклигидан хабардор этиб борадиган таълим мазмуни ва усуллари белгиланиши заруриятга айланди” [1].

“Тил ходисаларини, - деб ёзади Х.Ғуломова, - алоҳида сўз, сўз бирикмаси ёки гап асосида эмас, балки матн асосида нутқий шароитни ҳисобга олган ҳолда ўрганиш ва таҳлил қилиш маъқул. Бу жараёнида ўқувчи баён этиладиган тушунча ва фикрларни аниқлаб, англаб ўзлаштириш, уларни мантикий изчил ва услубий жиҳатдан саводли қилиб оғзаки ва ёзма равишда ифодалаш кўникмаларини эгаллаши керак” [2].

Она тили таълимига оид айтилиши лингводидактик талаблар бевосита бошлангич синф ўқувчиларининг ижодий ёзма ишларига тааллуқли бўлиб, саводхонлик факат имло билан белгиланмасдан мустақил фикрлаш ва матн тузишга оид таълимий

муаммога жиддий ёндашишни тақозо этади. Негаки ўқувчи ижодий ёзма ишда берилган матн мазмунини ҳаёлида қайта жонлантиради, мазмун-моҳиятига қараб сўз танлашда, гап ва жумла тузишда асосий фикрни ёритишга алоҳида ургу беради, такрорлашга йўл қўймасликка ҳаракат қилади. Шунинг учун ҳам ўқувчиларнинг ёзма боғланишли нутқини шакллантиришда имло хатолари устидагина эмас, биринчи навбатда, услубий хато-камчиликларга ҳам алоҳида диққат-эътибор қаратиши лозим деб ҳисоблаймиз.

Шунга қўра, кўп йиллик педагогик фаолиятимиз давомида олиб борилган изланишлар натижасида ўқувчиларнинг матн тузишдаги хато-камчиликларини қуйидагича гуруҳларга бўлиш мумкин деган хулосага келдик:

- техник хато-камчиликлар;
- матннинг мазмунига доир мантиқий хато-камчиликлар;
- имло ва пунктуацион хато-камчиликлар;
- гапларнинг лексик-грамматик боғланишига доир хато-камчиликлар.

Матн мазмуни билан боғлиқ қисмларни хат бошидан бошлашга амал қилмаслик (биринчи гапни хат бошидан ёзиб, кейинги қисмларда унга риоя қилмаслик ёки хат-бошини нотўғри қўллаш) ёзма ижодий ишларда энг кўп учрайдиган камчиликлардан бўлиб, муҳимни номуҳимдан ажрата билмаслик туфайли юзага келади. Бу эса хат-бошиларни лисоний бирлик сифатида тушунтириш ишларини бошланғич синфлардан бошлаб матн устида ишлаш жараёнида изчил тарзда олиб боришни тақозо этади.

Матнда тиниш белгиларининг тўғри қўлланилиши мазмунининг тўғри англаниш-лигидан далолат беради. Афсуски, кўпчилик ўқувчилар ижодий ёзма ишларида содда гаплар, қўшма гаплар, уюшиқ бўлакли ҳамда унданмали гаплар ва бошқа синтактик бирликлар бир-бирларидан тиниш белгиларига қўра ажратилишига эътиборсиз қарайдилар.

Матнда мавзуга доир фикр баёнида мантикнинг бузилиши, изчилликка амал қилмаслик, фикрнинг ноаниқлиги, ноўрин такрор мантиқий камчиликлар сифатида мазмун қўламини тасаввур қила олмаслик натижасидир. Зеро, айтилаётган (ёзилаётган) гап ҳақиқатга тўғри келиши, тилга олинган нарс-буюмларнинг, нарс-ҳаракатнинг ҳаётда мавжуд бўлиши, юз бериши мумкинлиги... мантиқли саналади. Акс ҳолда гап, у орқали билдирилаётган фикр мантиксиз чиқади. Бир гапнинг иккинчисига боғланишида ҳам мантиқийлик бўлиши керак. Шунда фикрлар асосга эга бўлади” [3].

Муайян мавзудаги ёзма ишларда сўзларни нотўғри ва ноўрин қўллаш ўқувчининг берилган матнда баён этилган воқеа-ҳодисалар, нарс-буюмларни тўғри тасаввур қила олмаслиги туфайли юзага келади.

“Сўзнинг лингвистик интерпретацияси асосида, - деб ёзади Э.С.Азнаурова, - мазмун ётса, прагматик тафсири асосига маъно қўйиладики, коммуникатив-прагматик шароит параметрларига мувофиқ ҳамда ўзаро тушуниш даражасида маъно-моҳият муҳим роль ўйнайди. Шу боис гапда (бу ўринда матн маъносиди) сўз сўзлигини йўқотади” [4].

Қўринадики, ижодий ёзма ишларда берилган матн мазмунини изчил, аниқ ва ифодали тарзда тўла ва тўғри ёритишда нафақат педагогик, балки ўз-ўзига танқидий муносабатда бўлишга қаратилган танқидий психологик тафаккур ҳам устувор аҳамият касб этади. Жумладан, бошланғич синф ўқувчиларининг ёзма нутқини шакллантиришда матнга нисбатан танқидий муносабатда бўлиш бошқаларнинг фикрини тушуниш ва баҳолаш, матн мазмунини хотирасида қайта тиклаш ва унга ижодий муносабатда бўлиш, баёнда муҳимни номуҳимдан ажратиш, матн юзасидан якуний умумлашма хулоса чиқариш имконини беради. Лекин негадир “аксарият олимлар коммуникатив ёндашувга устувор аҳамият бериш кераклигини катъий туриб ҳимоя қиладилар. Бу

ёндашув лексик-грамматик материалларни қай тарзда ўрганишга эмас, балки фикр баён қилиш ва фикр алмашиш жараёнидаги нутқ маданиятига ишора қилади. Лексик ва грамматик материалларни қай тарзда ўрганиш кераклиги тил ўқитишнинг умумий йўналиши сифатида ажралиб турмайди” [5].

Методист олим Р.Йўлдошевнинг фикрича, тил таълимида гап тузишга доир билим, кўникма ва малакаларни шакллантирмасдан туриб, матн асосида нутқ ўстиришни кўзлаётган олимлар функционал-семантик ёндашувни нотўғри татбиқ этаётган бўладилар.

Ёзма нутқда такрорлар, анафора, эллипсия, эпифора, инверсия, антитеза, градация каби синтактик фигуралардан тўғри фойдаланмаслик гапларнинг лексик-грамматик жиҳатдан боғланишда қуйидагича хато-камчиликларга йўл қўйилишини кўрсатади:

- боғловчилар, кўмакчилар, юкламалар ёрдамида боғланишга доир хато-камчиликлар;
- феълларнинг замон, майл, нисбат шаклларининг қўлланишига доир хато-камчиликлар;
- тиниш белгисининг ишлатилиши билан боғлиқ хато-камчиликлар.

Шуниси ҳам борки, ёзма нутқда бу, у, ўша, шу, ўзи, улар, ҳамма, барча, ҳар ким, ҳар бир каби ўзлик, кўрсатиш, белгилаш олмошлари иштирокида боғланишли матн тузишда бир сўзнинг ҳар бир гапда кетма-кет такрорланиши ўрин-пайт, сабаб-натижа муносабатларини билдириш билан боғлиқ сўз бирикмалари, синоним, омоним ва антонимларни нотўғри қўллашга доир хато-камчиликларга сабаб бўлади.

Холбуки гапларни ўзаро боғлашда олмош сўз туркумига мансуб сўзлардан кўп фойдаланилади. Олмошлар мавҳум ва умумлашган маъноларни ифодалашига кўра алоҳида ажралиб туради. Бу ҳақда Э.Қиличев шундай деб ёзади: “Олмошлар умумлаштирувчи предмет, умумлаштирувчи микдор тушунчаларини ифодалаб, от, сифат, сон каби сўзларнинг муқобили бўлиб келади” [6]. Олмошлар нафақат от, сифат, сон сўз туркумларининг муқобили сифатида, балки феъл, ҳатто гапларнинг мазмун-мундарижасига ҳам ишора қилиб, уларнинг ҳам маъносини умумлаштириб ифодалайди ва бир фикрни иккинчи фикрга боғлайди. Баёнда аввалги гапдаги фикр одатда бундай, шундай, ўша, ўшандай каби олмошлар билан давом эттирилади.

Феълларнинг ҳозирги ва ҳозирги-келаси замон шакллари фарқламаслик натижасида уларни бир замонда қўлланмасдан аралаш тарзда ишлатиш орқали мантикий хатоликларга йўл қўйилади. Шунинг учун ҳам баён таҳлилида феълларнинг замон ва майл жиҳатдан бир хил шаклда қўлланишига алоҳида эътибор берилади. Ёзма нутқ устида ишлашда ўқувчиларнинг мушоҳада юритиш, якуний хулосалар чиқариш кўникмаларини шакллантириш муайян матн юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини тўғри ва изчил, мантикий жиҳатдан асосли тарзда ифодалашига ёрдам беришини унутмаслик керак.

Бошланғич синф она тили дарсларида баён ёздиришдан олдин матндаги нотаниш сўзлар маъносини изоҳлаш ёзувда хатоларнинг олдини олишга ёрдам беради. Агар ўқувчилар айрим сўзлар маъносини тушунмаса, уларни нутқда қўллашда қийинчилик сезса, шу сўзларни контекстга қараб, изоҳли луғатлардан фойдаланган ҳолда, синонимларини қўллаш, таниш бўлмаган сўзлар билан ифодаланган тушунчаларни таниш бўлган сўзлар воситасида ифодаланган тушунчаларга таққослаш, ўзга сўзлар ёрдамида изоҳлаш, мавҳум тушунчаларни ифодаловчи сўзлар маъносини мисоллар орқали тушунтириш усулларида фойдаланиш ҳамда имлоси нисбатан мураккаб сўз ва ибораларга, сўз қўлашда шева элементларига изоҳ берилиши хато-камчиликларнинг олдини олиш ва имловий саводхонликни таъминлашга замин яратади. Бундай сўзлар 1-4 - синф она тили дарсликларида кўплаб учрайди. Масалан, 1-синф “Она тили” дарслигида Шаҳрисабз (34-машк), нобуд бўлган (35-машк), дур шодалар, кўкдан

(46-машқ), хорижий (72-машқ), ўлка (74-машқ), сиғинган (91-машқ), дошқозон (94-машқ), фаввора, оҳу (95-машқ), чавандоз (96-машқ), кўҳна, вайрон этмок (104-машқ), навқирон (106-машқ), жон фидо қилмок, дилбанд (113-машқ), зумрад, чорламок (119-машқ), жамалак соч (121-машқ), ғарамламок (122-машқ), мўъжаз, олмуруд, бакатерак, адил, макон, арк (138-машқ), сумалак (145-машқ), бугубор (155-машқ) каби кўплаб сўзлар учрайдики, уларнинг маъносини, услубий қўлланишини, имлосини изоҳлаш юқоридаги хато-камчиликларнинг олдини олади.

Бу ҳақда методист Х.Бакиеванинг куйидаги фикрлари эътиборга лойикдир: “Бадий асарнинг лингвистик таҳлилида дастлаб унинг маъноси – семантикаси устида ишланади. Ўқувчилар баъзи сўзларнинг маъносини умуман билмайдилар, айрим сўз ва бирикмаларнинг маъносини эса гап мазмунидан умумий тарзда англайдилар, лекин маъносини айтиб бера олмайдилар. Ўқитувчи дарсга тайёргарлик даврида қайси сўзнинг маъносини изоҳлаш зарурлигини аниқлаб, тушунтириш ўрнини ва усулини, маънолари изоҳланган қайси сўзларни ўқувчилар лугатига киритиш, фаол сўзларга айлантириш зарурлигини, қайсиларининг нофаол сўз ҳолида қолиши мумкинлигини белгिलाб олади” [7, 48].

Маълумки, тилдаги мавжуд сўзлар маъноси, характер хусусияти, қайси тилдан ўзлаштирилганига қўра муайян қонун-қоидалар асосида ёзилади. Аммо бошланғич синфларда бундай қонун-қоидалар ўргатилмаслиги боис ўқувчиларнинг имловий саводхонлигини оширишда уларнинг ёш хусусиятлари ва ўқув-билув қўникмалари ҳисобга олинади. Шу мақсадга қаратилган аналитик-синтетик машқларни амалга ошириш жараёнида сўз, ибора ва гапларнинг таркиби ҳамда тузилиши, сўзларни тўғри талаффуз қилиш, товушларнинг ҳарфий ифодаси юзасидан тушунтириш ишлари олиб бориш таълим сифатини оширишда муҳим ўрин тутди.

#### Адабиётлар:

1. Yo'ldoshev R.A., Rixsiyeva M.M. Insholardagi mantiqiy xatolar, ularni tuzatish metodikasi. – T.: Fan va texnologiya. 2018.
2. Қиличев Э. Ўзбек тилининг амалий синтаксиси. – Т.: Ўқитувчи. 1992.
3. Аназурова Э.С. Прагматика художественного слова. – Т.: 1988.
4. Йўлдошев Р.А. Ўзбек тили дарсларида ўқувчиларнинг оғзаки нутқини уларни кўп гапиртириш орқали ўстириш методикаси. – Т.: Фан ва технология. 2012.
5. Қиличев Э. Ўзбек тилининг амалий синтаксиси. – Т.: Ўқитувчи. 1992.
6. Матчонов С. Адабиёт дарсларида таҳлил ва талқин уйғунлиги. Til va adabiyot ta'limi. 2020. 7- son.
7. Фуломова Х. Ўқувчиларнинг матн устида ишлаши. // Тил ва адабиёт таълими. 1994. №2-3.

#### РЕЗЮМЕ

Ушбу мақолада бошланғич синф она тили дарсларида ўқувчиларнинг имловий саводхонлигини мустаҳкамлаш, боғланишли нутқий қўника-малакаларини шакллантиришда ёзма ишларга қўйиладиган лингводидактик талаблар, дарсликдаги машқ матнлари асосида линводидактик таҳлилни ташкил этиш усуллари хусусида сўз юритилади.

#### РЕЗЮМЕ

В статье рассматриваются вопросы усиления орфографической грамотности учащихся на уроках начальной школы, требования к письменной работе при формировании родственных речевых навыков, методы организации линводидактического анализа на основе учебников в учебнике.

#### SUMMARY

The article discusses the issues of strengthening the spelling literacy of students in primary school lessons, the requirements for writing in the formation of related speech skills, methods of organizing linvodidactic analysis based on textbooks in a textbook.